



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 2 апрель, № 65 (6500)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 1 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлисининг иккинчи кунини сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни қўриб чиқишдан бошлади. Таъкидланганидек, Марказий банкнинг ўтган йилдаги фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларни ва Марказий банкнинг аввалги ҳисоботлари яқунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорларини бажаришга қаратилди.

Хисобот йилида банкларнинг капиталлашуви даражасини оширишга, ликвидликни мустаҳкамлашга доир чоралар кўрилиши ва депозит базаси оширилиши натижасида юксак рейтинг кўрсаткичларига ва иқтисодийнинг реал секторига ажратилган кредитлар ҳажми ошишига эришилгани сенаторлар томонидан қайд этилди. Банк тизимида эришилган кўрсаткичлар умумэтироф этилган халқаро нормаларга мос бўлибгина қолмай, балки

айрим йўналишлар бўйича уларнинг баъзиларидан ортиқ ҳамдир. 2015 йилда банк тизимининг янада мустаҳкамланиши, банклар капиталлашуви даражасининг ошиши ва инвестиция фаолиятининг кенгайтилиши таъминланди. Банк тизимининг умумий капитали 2014 йилдагига нисбатан 23,3 фоиз ошди ва 7,8 триллион сўмни ташкил этди. Охириги 5 йилда бу кўрсаткич 2,4 баравар ўсди. Мамлакат банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил этди, бу эса Базель кўмитаси томонидан белгиланган умумэтироф этилган халқаро стандартларнинг энг кам даражасидан 3 баравар ортиқдир, банк тизимининг ликвидлиги энг юқори индиктор баҳоладан 2 баравар юқори бўлди.

Хисобот йилида банкларнинг жами активлари 25,1 фоиз кўпайди ва 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 65,2 триллион сўмни ташкил этди. Пул-кредит сиёсати 2015 йилда истеъмол нархлари индекси бўйича мўлжалланган инфляция даражасини таъминлашга қўмаклашди. 2014 йилдаги нисбатан инфляция даражаси (6,1%) 0,5 фоиз пасайди ва 5,6 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ, БИЛИМЛИ ВА БАХТЛИ АВЛОД

буюк келажагимиз бунёдкоридир



2 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР КИТОБИ КУНИ

Мамлакатимизда ёш авлодга замонавий билим бериш, уларнинг дунёқарабини бойитиш, маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар жараёнида фарзандларимизнинг китобга меҳрини кучайтириш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада янги китоблар нашр этириляётгани, ҳар бир ҳудудда энг масканлари фаолияти йўлга қўйилаётгани, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Болалар китоби» республика фестивалини ўтказиш аънаънага айлангани, айниқса, қувонарлидир. Бундан ташқари, юртимизда 2 апрель — Халқаро болалар китоби куни сифатида нишонланиши замирида ҳам ўғил-қизларни баркамол қилиб тарбиялашдек улғувор ният мужассам.

Бугунги кунда қайси бир китоб

дўконига кирмайлик ёки кутубхона фаолияти билан танишмайлик, у ерда ёшлар сафи тобора ортаётганига гувоҳ бўламиз. Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Республика болалар кутубхонаси ҳам доимо ўғил-қизлар билан гавжум.

Китобга ошно тугинган бола фақат эзгуликка, юксакликка интилади, — дейди мазкур муассаса директори Дониёр Уролов. — Кутубхонамизга ташир буюраётган болаларни кўриб, очиги, ниҳоятда қувонамиз. Негаки, улар шунчаки китоб

тоб ўқишмайди, балки шу орқали фикрлашади, мулоҳаза юритишади, баҳслашишади. Мунтазам ташкил этиладиган адабий кечалар, давра суҳбатларида уларнинг нечоғли билимдон эканлигига амин бўлиш мумкин.

Кутубхоналар тизими ривожига Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўз ахборот-ресурс марказига эга бўлган ҳар бир муассаса замонавий технологияларни қўллаб, аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилашга интиляётгани эътиборга молик.

(Давоми 3-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Муваффақиятлар омили

Фаргона

«Марғилон механика заводи» масъулияти чекланган жамиятида Маҳаллий лаштириш дастури доирасида тайёрлаш ўзлаштирилган импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар тури 1200 тага етди.

— Тадбиркорлик субъектларига берилмаётган имтиёз ва энгилликлар муваффақиятларимиз омили бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Исмоилжон Камолов. — Жамиятимиз вилоятнинг

саноат салоҳиятини ошириш бўйича ҳудудий дастурига киритилган. Банкнинг 600 миллион сўмлик кредити эвазига корхонамизда кенг қўламли модернизациялаш тадбирларини амалга оширдик. Натижада хориждан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида йигирув ускуналари учун бутловчи қисмлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Шу билан бирга, ишчиларимиз сони 90 нафарга етди.

Мамур МУСУЛМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Уч юзта иш ўрни таклиф этилди

Олтинсой туманидаги қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан мазкур тадбирга коллеж битирувчилари, яқинда Қуролли Кучлар сафидан резервга бўшатирилган фуқаролар ҳамда хотин-қизлар таклиф этилди.

Олтинсой тумани бандликка қўмаклашиш маркази раҳбари Баҳодир Тоғаевнинг айтишича, жорий йилда беш мартаба шундай ярмаркалар ташкил этиш режалаштирилган. Бугунгача туманда мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган бўлса, йил охиригача яна 2 минг 600 дан зиёд иш ўринлари яратилади. Бу борада уларга давлат ва жамоат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари яқиндан қўллаб-қувватлаш бермоқда.

Тадбир давомида бир қанча кишилар ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш учун йўланма олди.

Нормурод ТЕММРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ички бозор учун янги маҳсулот

Хоразм

Урганч шаҳридаги «Чалиш трейдинг» хусусий корхонаси ҳудудда бунёдкорлик ишлари қўламли тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, фаолиятини кенгайтирди.

У ерда йилга 1 миллион квадрат метр рубероид ишлаб чиқарилади.

Эндиликда замонавий технологиялар ускуналар билан жиҳозланган корхонада яна бир янги қурилиш ашёси — том ёпишда фойдаланилади.

ган полизол тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа 300 миллион сўмлик банк кредити ва жамоа маблағи эвазига рўёбга чиқарилди. Бундай сай-ҳаракатлар туфайли йилга 500 минг квадрат метр полизол тайёрлаш имконияти яратилиб, қўшимча 20 та иш ўрни ташкил этилди.

Айни пайтда вилоятда биргина қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 236 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дастлабки экспорт амалиёти

Бухоро

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган «Bahor plastics» кўшма корхонаси дастлабки экспорт амалиётини бажарди. Вобқат туманида фаолият кўрсатаётган мазкур корхона кир ювиш қукуни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот нафақат ички бозор истеъмолчилари, балки хориқлик буюртмачиларга ҳам маъқул тушди. Натижада корхона жамоаси чет эллик ҳамкорларига 15,4 миң АКШ доллари миқдоридagi маҳсулотни etkazиб берди.

Бухоро вилоятида бу каби ҳудудий тасарруфдаги экспортчи корхоналар сони кўпаймоқда. Жумладан, 2005 йилда бундай субъектлар 32 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда улар сони 130 дан ошди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 3-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим мезони

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини кучайтиришга қаратилган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Сенаторлар ўз чиқишларида муҳокама қилинган масалалар, аввало, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга ҳамда ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилишни қайд этишди. Буни уларнинг мухбиримиз билан бўлган суҳбатда айтган фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Г. АЛИМОВА, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Парламент юқори палатасининг ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар мамлакатимизда кечаётган бунёдкорлик жараёнлари, кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти билан ҳамохандир. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон

Президентимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» асосида барқарор ривожланиб бормоқда. Одамларимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб, харид қуввати ортмоқда, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида мислсиз ютуқ ва натижалар қўлга киритилаяпти. Бундай илҳомий ўзгаришларни юртимизнинг барча гўшасида кузатиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Инновацион ишланмалар ва тараққиёт

Президентимиз ўз чиқишларидан бирида «...биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар», дея таъкидлаган эди.

ЯРМАРКА

Чиндан ҳам, мазкур юз йилликда ақлий салоҳиятни ҳар қачонгидан кўра фаолроқ намоян бўлишига тўғри келади. Шу боис юртимизда таълим-тарбия жара-

ёнидан тортиб, илм-фанни ривожлантириш, ҳар бир соҳага илғор технологияларни жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Истикболли

ғояларни таклиф этаётган, кашфиётга, янгиликка қўл урган ёшлар, тадқиқотчилар, олимлар қўллаб-қувватланиб, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқа-

ришга кенг шароит яратиб берилаяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фаргона шаҳрида ўтказилган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркасида намойиш қилинган

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

2015 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 27,3 фоиз ошди. Ички маблағлар ҳисобидан ажратилган кредитлар тижорат банклари кредит портфелининг умумий суммасида 86,7 фоизни ташкил этди, шундан 79,8 фоиз инвестиция мақсадларига ажратилган узоқ муддатли кредитлардир.

Банклар инвестиция кредитлари ҳажмларининг кенгайтирилиши иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш учун ҳамда техник ва технология қайта жиҳозлашга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этди. 2015 йилда тижорат банклари томонидан ушбу лойиҳаларга 10,2 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2014 йилдагига нисбатан 20 фоиз кўп демакдир.

Иқтисодиётнинг техник ва технология янгиланишини қўллаб-қувватлаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергия тежовчи технологиялар асосида янги корхоналар ташкил этиш, жаҳон бозорида талабга эга янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзлаштириш орқали банк тизимининг инвестиция сиёсатини кучайтириш натижасида молиявий-иқтисодий барқарорлик таъминланди.

Хисобот даврида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредит ҳажми 2014 йилдагига нисбатан 1,3 баравар ошди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес

лоийҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Уларга ўз бизнесини яратишлари ва эгаллаган билим ҳамда кўникмаларини амалиётда қўллашлари учун қарийб 280 миллиард сўм ажратилди, бу эса 2014 йилдагидан 1,3 баравар кўпдир.

Банк хизматлари турлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жумладан, миқдорли кўрсаткичларни хизматлар ҳажми охириги беш йилда 3,5 баравар ошди, шу жумладан, 2015 йилнинг ўзидан 1,3 баравар ўсди.

Банк тизимининг барқарорлиги, унга бўлган ишончнинг ошиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши аҳолининг ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг кафолати бўлиб хизмат қилди.

Натижада 2015 йилда банк тизимида амалга оширилган ислохотлар иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ўсишини таъминлашнинг ва аҳоли фаровонлигини ошириб боришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилди.

Мамлакат банк тизимида эришилган ижобий натижалар халқаро рейтинг агентликлари берган баҳоларда ўз аксини топди. Охириги олти йил мобайнида «Мудис» рейтинг агентлиги «Ўзбекистон банк тизими» «Барқарор» рейтингини бериб келмоқда.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолияти учун ишчанлик муҳитини яхшилаш соҳасида охириги йилда энг яхши натижага эришган жаҳон мамлакатларининг биринчи ўн талигига киради. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» ва «кичик бизнес субъект-

ларига кредитлар бериш» каби мақсадда Табиати муҳофазаси охириги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди, ўтган йилнинг ўзиданга ўз рейтингини 63 ўринга яхшилаб олди.

Таъкидланганидек, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан барқарор пул-кредит сиёсатини олиб бориш давом эттирилди, банк тизими капиталини ошириш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари миқдорини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ва кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажмини ошириш чоралари кўрилмоқда, шунингдек, банк назорати тизимига Базель кўмитасининг янги тавсияларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Хисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсияларни билдирдилар. Хусусан, банк-молия тизимининг барқарорлигини сақлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ҳисобига банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестиция фаолиятини юксалтириш, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилётган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банклар ва бошқа молия муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш самарадорлигини ошириш тавсия этилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги хисоботини эшитдилар.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати самарадорлигини оширишга, экология тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилганлиги таъкид-

ланди. Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитасининг ўтган йилдаги ҳисоботи яқунлари бўйича қабул қилинган Олий Мажлис Сенатининг қарорини ижро этишга доир тадбирлар амалга оширилди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунни ижро этиш мақсадида Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси ташаббусига кўра, жамоат экологик назоратини амалга ошириш юзасидан бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бу эса атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга, табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтиришга кўмаклашди. Сенаторлар ушбу Қонуннинг Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси томонидан ижро этилишини ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини батафсил муҳокама қилдилар.

2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Табиати билан ҳамкорликда табиати муҳофазаси қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан фаол иш олиб борилди.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси томонидан атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, табиий ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни тиклаш юзасидан 2015 йилда 14 та минтақавий дастур тақлиф этилди ва ҳукумат томонидан маъқулланди.

2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўёбга қикаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергиянинг қайта тикловчи манбаларини жорий этиш, экологик тоза товарлар ишлаб чиқариш каби масалалар ҳам диққат марказида бўлди.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси томонидан табиий муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, чиқиндиларни бошқариш, қўриқ-ланадиган табиий ҳудудлар тизимини, экологик туризмни, қайта тикланадиган энергетикани ва бошқа йўналишларни ривожлантириш каби муҳим соҳаларда халқаро ҳамкорлик ривожлантирилди.

Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси томонидан 2015 йилда олиб борилган аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижасида табиати муҳофазаси қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланди, давлат экологик назорати кучайтирилди ҳамда кичик ва ўрта бизнес зиммасига тушадиган юк камайтирилди, тармоқлараро бошқарув такомиллаштирилди ҳамда халқаро ҳамкорлик ривожлантирилди. Бажарилган ишлар табиий муҳит сифати, биологик хилмаҳиллигини сақлашга ва тиклашга қўйилган талабларга риоя этилишини таъминлаш имконини берди.

Хисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси фаолиятининг самарадорлигини — ҳам давлат экологик назоратининг, ҳам жамият экологик назоратининг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар қўриш юзасидан тақлиф ва тавсияларни билдирдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчисини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси чоғида 14 та масала, шу жумладан, демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга, Асосий Қонунимиз қоидаларини амалда рўёбга қикаришга, мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитнинг жозибадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари учун ишчанлик муҳити ва қулай шарт-шароитлар яратишга, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга, мамлакатимизда барқарорлик ҳамда фаровонлиқни мустаҳкамлашга қаратилган тўртта қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини яқунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қ А Р О Р И Қ И Л А Д И:

1. **Хусанова** Фатима Усмоновна Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ
Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 апрель

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қ А Р О Р И Қ И Л А Д И:

1. **Хайитов** Олим Буревич Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ
Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 апрель

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қ А Р О Р И Қ И Л А Д И:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:
Астанов Мумин Каримович
Солиев Сарвар Файратжонович.
2. **Джурбаев** Ойбек Абдуқадирович Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ
Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 апрель

Маҳалла сайлови ва ОАВ масъулияти

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Тадбир давомида истиқлол йилларида юртимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уни изчил такомиллаштириб бориш орқали маҳалла институтининг жамият сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётида тугган ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг қўламли аҳамиятга эгаллиги қайд этилди. Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалаларни, хусусан, «Парламент назорати тўғрисида»ги, янги таҳрирдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларнинг асосий қоидаларини, шунингдек, амалдаги қонун қонун ҳужжатларига киритилган янгиланишларни, Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузишдан қўзланган мақсадни жойларда кенг тушутириш, ижрочиларга етказиш борасида жонбозлик кўрсатишимиз айтиш мумкин. Бунда соҳа мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари салоҳиятидан унумли фойдаланиш жуда муҳимдир.

— Семинар чоғида фуқаролар йиғини сайловига оид қонунчиликдан тортиб, соҳа билан боғлиқ мақоаларни ўқишли қилиб тайёрлашга бўлган масалалар етакчи олим ва мутахассислар томонидан атрофлича таҳлил қилинган биз, журналистлар учун фойдали бўлди, — дейди «Фаргона ҳақиқати» газетаси бўлим муддир Абдувосит Сидиков. — Шунингдек, марказий нашрларда фаолият юритиб келаётган ҳамкасбларимизнинг бу борадаги тажрибаси билан ўртоқлашдик. Буларнинг барчаси сайлов жараёнларини изчил ёритишда қўл келади, деб ҳисоблайман.

Ўқув-семинар доирасида қатнашчилар намунали фуқаролар йиғинлари иш фаолияти билан танишиш имконига ҳам эга бўлишди.

Ўтказилган бундай тадбирларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган жами 120 дан ортқ журналистлар малака оширди.

Айни пайтда улар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштириш, бу лавозимларга муносибларини сайлаш ва аҳоли ижтимоий фаолигини кучайтиришда маҳалланинг ролини янада оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар назарда тутилган.

Қобил ХИДИРОВ эътибор қилди.

Сайдахмад ШУКУРОВ.

Аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим мезони

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу боис муҳокамаларда сўзга чиққан сенаторлар ислохотларни амалга оширишга камарбаст бўлиш, республикада рўёбга қикарилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, қолаверса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратишди. Бунда, айниқса, «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун имкониятларидан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

К. КАВЛАНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Маълумки, мустақилликнинг илк кунлариданок мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини қарор топтириш, ижро ҳокимиятининг вакиллик органи олдидаги масъулиятини юксалтириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сенаторлар томонидан маъқулланган «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун ҳам ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг мантқий давоми ҳисобланади.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ижроси устидан парламент назоратини рўёбга чиқаришнинг ягона механизми мустаҳкамланиб, у давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда масъулиятини оширишга йўналтирилган. Қонунда парламент назоратининг субъектлари, объектлари, шакллари ва усуллари, шунингдек, парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар ўз ифодасини топган. Таъкидланганидек, парламент назорати шаклларининг аниқ мустаҳкамлаб қўйилиши, уларни амалга ошириш тартиби батафсил белгилаб берилаётгани қонун ижросини бир хилда таъминлаш, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

И. КАРАТАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, хусусан, суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг асл мазмун-моҳияти, энг аввало, инсон, унинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз ташаббуси билан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси

тузилиши парламент назоратининг амалий аҳамияти ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг, сенаторларга катта масъулият юклайди. Шунинг айтиш керакки, Конституциямизда «прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги» белгиланган. Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарори ушбу конституциявий қонуннинг амалий механизмлари янада такомиллантирилади. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракат мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга кўтариш, энг аввало, прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари янада такомиллаштириш, пировардида прокуратура органларининг юртимизда қонун устуворлиги ва қонунийлиги, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга доир ишлари самарадорлигини юксалтиришга замин яратади.

Р. МАЖИДОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Маълумки, ўтган йилнинг январь ойида парламент пала-

тарларининг қўшма мажлисида конституциявий ислохотлар нукта назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириши, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатдан янги асосда қурилиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Сенат ялпи мажлисида ушбу вазифа ижросига алоҳида масъулият билан ёндашилди. Чунки Сенат ўзининг конституциявий ваколатлари доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси ҳисоботларини ана шу нукта назардан кўриб чиқиб, Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, қонун ҳужжатлари ижроси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди. Бунда фуқаролардан келиб тушаётган муурожаатлар, жойлардаги учрашуларда билдирилаётган тақлиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, хисобот тақдим қилинган субъектлар зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

Сифат — самарадорлик гарови

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодидеънинг таянч устунларидан бири ҳисобланади. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи, иш билан банд аҳолининг 77 фоизидан ортиғи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Шу боис кичик бизнесни янада ривожлантириш, ишбилармонларни ҳар томонлама

кўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кўпроқ эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Бундай кенг кўламли чоратадбирлар енгил саноатимиз тараққиётига ҳам катта туртки бераётир. Негаки, кейинги йилларда мазкур жабҳада кўплаб кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, улар ички бозорни тивувчилик, трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари билан тўлдириш, экспорт кўламини

кенгайтиришга муносиб улуш кўшмоқда. Пойтахтимизнинг Сергеи туманида фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «UZTEX — Tashkent» қўшма корхонаси ана шундай субъектлардан биридир.

2010 йилда ишга туширилган ушбу корхона пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Бу ерда «Rieter», «Luwa» ҳамда «Uster Technologies» (Швейцария), «Murato» (Япония), «Savio» (Италия) сингари компанияларнинг энг замонавий дастгоҳлари ўрнатилган. Улар ёрдамида йилга ўртача 7200 тонна пахта толаси қайта ишланиб, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган 6500 тонна калава ип тайёрланапти.

— Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди қўшма корхона бош директори Равшан Йўлдошев. — Биз ҳам мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, маҳсулот

тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш, уларнинг сифатини янада яхшилашга доир кўплаб лойиҳаларни амалга ошираёلمиз. Чунки рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда фақат юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билангина эзгу мақсадга эришиш мумкин.

2015 йилда «UZTEX — Tashkent» корхонасида модернизацциялаш тадбирлари тўлиқ якунланиб, қўшимча замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Шунингдек, мавжуд йиғиртиш урчуқлари тубдан такомиллаштирилди.

Яъни ипдаги тукдорлик даражасини бартараф қилиш мақсадида Германиянинг «Sussae» компаниясидан зарур жиҳозлар келтирилди. Бу каби теҳно ва теҳнологик янгиланишлар туфайли корхонанинг йиллик ишлаб

чиқариш қуввати 8 фоиз ошиб, қўшимча 40 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, айтаётган бўлсак, бу ерда илчи-ҳодимлар учун барча қулай шарт-шароит мавжуд. Жамоа аъзоларининг асосий қисмини ёш мутахассислар ташкил этади. Уларнинг гайрат-шижоати билан тайёрланаётган маҳсулотлар «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиқи остида дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Корхона маҳсулотларига бўлган талаб ҳорихида ҳам ортишида Швейцариянинг «Uster Technologies» компанияси томонидан «USTERIZED» сертификати берилгани муҳим омил бўлапти. Сабаби, бугунги кунда дунёдаги камсонли йиғирув фабрикалари кўлга киритган бундай сертификат аёло сифатли маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилганининг амалий тасдиғидир.

«UZTEX — Tashkent» корхонасининг аҳил жамоаси эса эришилаётган муваффақиятларни бундан буён ҳам янада мустаҳкамлаб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди нуфузини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ҳаракат қилмоқда.

Усмон УСМОНОВ тайёрлади.



Хосен ПАЙДОЕВ олган суратлар.

КУЧЛИ, БИЛИМЛИ ВА БАХТЛИ АВЛОД

буюк келажакимиз бунёдкоридир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ерда ўқувчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган саккизта бўлим ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирида адабиётлар, маълумот ва манбалар жамланган.

Ҳозирги кунда кутубхона 225 минг китоб фондига эга бўлиб, улар орасида ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти дурдоналари мавжуд. Шунингдек, зиё маскани ҳазинаси даврий нашрлар билан доимий равишда тўлдириб борилади. Кутубхонада фаолият юритаётган ҳодимларнинг асосий қисми соҳа мутахассислари бўлиб, улар кутубхона ишини ташкил этиш, тармоққа илгор ахборот теҳнологияларини жорий қилиш борасида етарли тажрибга эга.

Муассасада уюштирилган маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, олимлар, педагоглар ва сиёсатшунослар иштирокидаги илмий конференциялар, семинар-тренинглар ёшлар қалбида миллий кадриятларимиз, урф-одат ҳамда анъаналаримизга бўлган ҳурматни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика болалар кутубхонасида эртаимиз эгаларининг бадиий адабиётга бўлган қизиқшини орттириш, бўш вақтини мазмунли ва самарали ташкил этиш, билим ҳамда тафаккурини янада кенгайтириш юзасида кўплаб маърифий лойиҳалар амалга оши-

рилмоқда. Зиё масканининг kitob.uz сайти, асосан, ўқувчи-ёшлар учун мулжалланган ахборотлар билан тўлдирилиб, янгидан-янги аудио-видео материаллар билан бойитиб борилаётган. Китобсевар болаларнинг атоқли адиб ва шоирлар, олимлар, бастакорлар билан он-лайн мулоқоти доимий тарзда ўтказилапти.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан ташкил этилаётган «Адабиёт ҳафталиги», «Китоб байрамлари», ижодий викториналар, «Энг китобхон мактаб», «Энг китобхон ўқувчи» кўрик-танловлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йилдан кутубхона жамоаси яна бир эзгу ташаббусга қўл урди. Жажжи ўғил-қизларимиз учун «Болалар адабиёти» деб номланган янги журнал нашр этила бошланди.

Кутубхонада Дунё ахборот-ресурсларига кириш бўлими ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ерда аудио-видео ҳамда грампластинкаларни рақамлаштириш студияси, лингфон зали фаолият йўлга қўйилган.

Ушбу сазй-ҳаракатлардан асосий мақсад, Юртимизимиз таъкидлаганидек, ёшларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишларини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеъ ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2016 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
* Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Музработ тумани судининг 2015 йил 7 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли автомашина, давлат рақами 75 V 027 FA.

Бошланғич баҳоси — 13 122 000 сўм.
* Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 24 майдаги 19-1306/3085-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, Амир Темур номидаги СИУ, Қизилгул маҳалласида сақланаётган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-4А» русумли трактор, давлат рақами CS 2581.

Бошланғич баҳоси — 13 434 120 сўм.
Автотранспорт воситалари 2016 йил 18 апрель кундаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2016 йил 3 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2016 йил 3 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Қизирқ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 4 январдаги 19-1504/26114-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизирқ тумани, «Гулзор» МФИДА сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ-80Ха» русумли трактор, давлат рақами 12-73 ЕЖ.

Бошланғич баҳоси — 18 000 000 сўм.
Аукцион савдоларини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.

* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ-80Ха» русумли трактор, давлат рақами 02-17 ЕЖ.

Бошланғич баҳоси — 16 000 000 сўм.
Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 18 апрелдаги аукцион савдосига 2016 йил 15 апрель куни соат 16.00 да ва 2016 йил 3 майдаги аукцион савдосига 2016 йил 2 май куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалини ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Она алласида меҳр мужассам

Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусикали драма ва комедия театрида алла ижрочилари кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

ТАНЛОВ

Айтиш керакки, алла — оғзаки ижодиётимизнинг ўзига хос тури бўлиб, халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Унинг тарбиядаги аҳамияти беқийи. Яъни алла мурғак қалбда меҳр-оқибат, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатларни шакллантиради.

Мамлакатимизда аллани моҳирона қуйлаган хонандалар кўп. Уларнинг орасида Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Ҳабиба Охунова ижроси алоҳида ажралиб туради. Ёш санъаткорлар орасида устоз йўлидан бориб, у бошланган усулни давом эттиришга астойдил интилаётганлар ҳам талайгина.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методика маркази ташаббуси билан «Олтин мерос» халқаро хайрия жамоат фонди, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирнинг биринчи босқичи Қорақалпоғистон Рес-

публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Онларга юксак эҳтиром кўрсатиш, миллий анъана ва урф-одатларимизни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, алла айтиш санъатини чўқур ўргатиш мақсадида уюштирилган ушбу танловнинг ҳал қилувчи босқичида ҳар бир ҳудуддан икки нафардан вакил қатнашди. Улар аллани театрлаштирилган сахна кўринишлари орқали жонли ижрода қуйлашди.

Яқунда Наманган вилоятидан Сарвинос Сотволдиева, навоийлик Хумора Мухаммадулова биринчи ўринни эгаллашди. Андижонлик Зиёда Абдиева, самарқандлик Гўзал Ибрагимова иккинчи, Қорақалпоғистон Республикасидан Гулнур Мамбетназарова, Хоразм вилоятидан Дилбаржон Бектурдиева ва бухоролик Машхура Раҳматова эса учинчи ўринга муносиб, деб топилди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

GRUZHINA.UZ

Кўп турдаги АВТОШИНАЛАР

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Тел.: (+99871) 250-07-40. Факс: (+99895) 170-32-52.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2016 йил 26 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеъ ўтказиладиган аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 2015 йил 5 июндаги 10-1510/11813-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Хамал кўчаси, 29-ўйда жойлашган, умумий майдони 67820 кв.м., фойдаланиш майдони 11180 кв.м. бўлган бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 14 146 747 797 сўм.

2016 йил 10 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеъ ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «O'zbekiston Respublikasi To'var-xot ashyo birjasi» АЖнинг 2016 йил 28 мартдаги 05-17/1107-сонли бюртномасига асосан, Тошкент вилояти, Қиррай тумани, «Байтўғроғ» ҚФЙ, «Текстильмашевец» БУШ, 31-«А», 31-«Б» уй манзилида жойлашган, ер майдони 0,1284 гектар бўлган, ҳожатхона, ҳовуз, ёрдамчи бино, бостирма, қозонхонадан иборат 2 қаватли уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 540 365 562 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 май куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 4 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар 2016 йил 6 май куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2016 йил 23 май, 8, 24 июнь ва 11 июль кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 23 майдаги савдо учун — 20 май куни, 8 июндаги савдо учун — 6 июнь куни, 24 июндаги савдо учун — 22 июнь куни, 11 июлдаги савдо учун — 8 июль куни соат 18.00.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тулқ ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, тулқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибга 10 (ўн) банк иш куни ичида сотувчи билан нотариал тартибда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тулқ тўловини амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АЙТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000904920609114 ҳисоб рақамига савдода қатнашиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz Электрон почта: rieltorsavdo@inbox.uz Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

БИЛДИРИШ

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 12 мартдаги 50-сонидеъ чоп этилган эълондаги Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 146-«Б» уйда жойлашган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2016 йил 28 мартдаги хатига асосан тўхтатилди.

«Capital realtor group» МЧЖ маълумияти.

Инновацион ишланмалар ва тараққиёт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Биз оқова сувни қайта ишлайдиган қурилмамини таништираялмиз, — дейди Наманган давлат университети талабаси Мирзоулғбек Холмирзаев. — Фойдаланилган обиҳаётни механик усул билан тозалаш, уни яна ишлатиш мумкинлигини амалда сынаб кўрдик. Шу орқали бебаҳо неъмат — ичимлик сувини тежаш самарадорлигини ошириш мумкин.

Ярмаркада иқлим шароитимизга мослаштирилган экинлар навлари, биноларни иситиш ва ёритиш тизимлари, энергия ресурсларини тежайдиган теҳнологиялар, маҳаллий хом ашё асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид ғоялар кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Фарғона политехника институти олимлари томонидан намойиш

этилган светодиодли кўча чироқлари тайёрлаш лойиҳаси — шулардан бири.

— Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш долзарб масала бўлиб турибди, — дейди мазкур институт профессори, теҳника фанлари доктори Сироҳиддин Эргашев. — Биз таклиф этаётган, қўёшдан қувват олувчи ёритиш тизими экологик талабларга тўла мос келади. Энергияни 70 фоизгача тежаш имконини беради. Яна бир афзаллиги, бу турдаги лампалардан узоқ мuddат фойдаланиш мумкин.

Тадбир якунида вилоятдаги саноат корхоналари ва ташкилотлар, фермер хўжалиқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан тадқиқотчилар ўртасида узаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Жиззах шаҳрида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва теҳнологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда худудий инновация фаолияти ва теҳнологиялар трансфери маркази ҳамкорлигида ана шундай ярмарка ташкил этилди.

Унда илмий тадқиқот институтлари, тажриба-конструкторлик ҳамда олий таълим муассасаларининг 100 дан зиёд ишланмалари, ғоялари намойиш қилинди. Булар ахборот-коммуникация теҳнологиялари, қишлоқ хўжалиги, энергия теҳножор теҳнологиялар, нанотеҳнологияларни ривожлантиришга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Анжуман якунида янги теҳнология, лойиҳа ва ишланмаларни иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўллаш юзасидан келишувларга эришилди.

Набижон СОБИРОВ, Тождидин ҚАМАРОВ.

Теран идрок, тезкор ҳаракат, аниқ зарба

Сизга айтсам, боксчи бўлиш болагимда хаёлимга ҳам келмаган. Отам спорт билан шуғулланган, дея Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг футбол йўналишига олиб бордилар.

ИФТИХОР



ларини ўзим рўйбга чиқараман”, деган қатъий мақсад билан яшадим.

Чунки юртимизда мен ва мен каби ёшларнинг ҳаётда, спортда, рингда тўлиқ ўзини англаши, намоён қилиши учун барча нарса муҳайё этилган.

Биласизми, ҳар доим Юртбошимизнинг “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаимиз!” деган сўзларини юрагимга жо эйтиб, рингга кўтарилган.

Бу нафақат кучимга куч қўшади, балки руҳим ва ирода мустаҳкам бўлишига туртки беради. Шундай кезлар калбимда “Мен ўзбекистон фарзандиман!” деган чекисиз гурур-ифтихор, шукроналик туйғуси жўш уради.

Бинобарин, машқларда ҳеч чарчамайман. Бу амалиётда жуда қўл келадиган. Ўтган йилларда Германия, Болгария, Беларусь, Озарбайжон сингари давлатларда ўтган халқаро турнирларда биринчи бўлдим. Россияда ўтган халқаро мусобақа ярим финалда тожикистонлик рақибимни нокаутга учратдим. Финалда эса мезбон спортчи бир зарбада йиқитдим. Реферининг ўнгача санашини ҳам фойда бермади.

Ўтган йили эса Катарнинг Доха шаҳри мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида вазни 91 килограммдан оғир бўлган боксчилар баҳсида кучли уликдан жой олдим.

Тўғри, ўшанда ярим финалда рақибимга ютқаздим. Бундай қарасам, оёғим, қўлларим билан амалга ошираётган ҳаракатларимда ортда қолиб кетаялман. Кейин бор режам — унга биргина кучли зарба беришга қаратилганини сезиб қолдим. Аслида уни чаплатишим, синчковлик ва эҳтиёткорлик билан энгил зарбалар йўллаб, унинг заиф нуқталарини очиб олишим керак эди.

Бокс бўйича устозларим Рустам Саидов ва Тўлқин Қиличев “дунёга машҳур чарм кўпкок усталари бамисоли капалакдек рақс туюшиб, боларидек бир зумда шиддат билан ташлашиб, боксинг фалсафасини тушунириб беришган”, дея таъсирланган кўйишарди баъзида. Мен ҳам ана шу ўғитларнинг мағзини қақишга ҳаракат қилаялман.

Кези келганда айтишни истардимки, отам курашини кўча-кўйда, яйлорларда ўртоқлари билан беллашиб, устозлари йўл-йўриқларини эшитиб ўрганган экан. Бироқ профессионал спортчи бўлишдек орзуларни армонлигича қўлиб кетган. Дурустрок шариот бўлмаган да. Билмадим, ўша пайтларда бугунгидек кулайликлар яратилганда борми, балки орзуларни ушаларимиди. Мазкур фикр болагимдан менга тинчлик бермай келди. Шу сабаб ўша вақтлардан бошлаб “Отамнинг ёшлиғидаги эзгу ният-

Дарвоқе, Баҳодир Жалолов Хитойнинг Куинан шаҳрида давом этаётган бокс бўйича навбатдаги саралаш беллашувининг финалига йўланма олди ва Олимпиада лицензиясини қўлга киритиб, илк нишанга эришди.

Ўтмишдан ҳолисона хулоса чиқариб, айни пайтда Хитойда ташкил этиладиган ва Олимпиадага лицензия берувчи нуфузли мусобақага қизгин тайёргарлик кўраялман. Шах-шубҳасиз, албатта, нишанга эришаман.

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан кетганида мени бағрига босиб, Олимпия ўйинларида чемпион бўлишимга ишонч билдирди. Бу “Чемпион бўлишим шарт!” деган мақсадимни янада мустаҳкамлади, ишонччини оширди. Бундай ғамхўрликни оқлаш учун бор куч ва имкониятимни ишга соламан.

Баҳодир ЖАЛОЛОВ, бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори.

ИНТИЛИШ

Сув — оҳанрабодек мафтункор хилқат. У инсонга жуда яқин, унинг руҳияти учун зарур бўлган буюк мўъжиздир. Обихаёт билан боғлиқ жуда кўп спорт турлари мавжудлигига ҳам сабаб аслида шу. Сувиш, сув полосо, синхрон сузиш, трамплиндан шўнғиш, сув остида хоккей, тўлқинлар узра сёрфинг, рафтинг (тоғ дарёлари ёки сунъий анҳорларда қайиқда сузиш), елканли қайиқда сузиш, канозда, байдаркада, академик эшак эшиш, слалом... Эҳ-хе, буларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Энг асосийси, ҳар биринг сирли наволари, томчиларда жо бўлган ажиб сеҳрли муносиқаси бор.

Ҳеч эйтибор берганмисиз? Юқоридоги спорт турлари, жумладан, сузиш билан мунтазам шуғулланганидан инсонлар, айниқса, ёш ўғил ва қизлар қадди-қомати тик, бўйлари баланд, келишган, тетиклиги ила ажралиб туради. Мутахассислар ҳам ушбу спорт тури одамларни турли хасталиклардан йироқ сақлашини, танани чиқитириши, ёшартириш, руҳий қувват бағиш-ла ва ортиқча вазн муаммосини бартараф этишда муҳим роль ўйнашини мудом таъкидлашади. Зеро, обихаёт организмда қон айланиш тизими, мушаклар, суяк ва бўғимлар фаолиятини яхшилайдди. Лекин бундай машғулоти ўрганиш осон эмас. У, албатта, катта матонат ва сабрни талаб қилади.

Мавжлар оҳанрабоси

— Онамнинг айтишича, болалигимда тез-тез бетоб бўлиб қоларманман, — дейди у. — Ўшанда шифокорлар бунинг олдини олиш учун дори-дармонлардан кўра бирор спорт тури билан шуғулланишни тавсия этишган. Тўғри, дастлаб жуда қийналдим. Ҳатто,

— Қизим билан боғлиқ барча қувончларим 8 март санаси билан улуғун, — дейди онаси Фарида опа. — Сабаби, у айна шу кун таваллуд топган. Шунинг учун оиламизда баҳор айёми кўшалоқ бўлиб кириб келади. Уни сузишга берганимдан сира афсусланмайман. Аксинча, мусобақаларда астойдил қатнашаётганидан қувонаман. Ғолиб бўлганини эшитганимда эса гурурим кўкка етади! Унинг ютуғи нафақат оиламизники, балки бутун юртимизникидир. Оналар учун бундан ортиқ бахт борми?! Албатта, Президентимиз томонидан болалар, айниқса, қизлар спортини ривожлантириш йўлида яратиб берилган шарт-шароитлар бунда асосий омилдир. Шундай ғамхўрлик бўлмаса, бундай мукофотлар қаерда дейсиз?

— Шогирдим машқларнинг ҳар бир элементига кўн билан ёндашарди, — дейди унинг биринчи устози Равшан Амилов. — Раъно Андижон шаҳридаги сузиш спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде саққиз йил тарбияланиб, тобланди, чиникди. Иқтидорини юзага чиқариш йўлидаги интилишлари бесамар кетмади. Очиги, у бугунги ютуқларига юксак эътибор ва меҳнати билан эришди.

Мурабийнинг гапларида жон бор. Киши ҳаётда тўғри йўлни

танлаши, шу орқали марраларни забт этиши, аввало, ўзига боғлиқ. Тиришқоқлиги туйғайли Раъно 2012 йилда Республика олимпия захиралари коллежига қабул қилинди. Бу ерда маҳоратини янада такомиллаштириди, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади.

— Қизим билан боғлиқ барча қувончларим 8 март санаси билан улуғун, — дейди онаси Фарида опа. — Сабаби, у айна шу кун таваллуд топган. Шунинг учун оиламизда баҳор айёми кўшалоқ бўлиб кириб келади. Уни сузишга берганимдан сира афсусланмайман. Аксинча, мусобақаларда астойдил қатнашаётганидан қувонаман. Ғолиб бўлганини эшитганимда эса гурурим кўкка етади! Унинг ютуғи нафақат оиламизники, балки бутун юртимизникидир. Оналар учун бундан ортиқ бахт борми?! Албатта, Президентимиз томонидан болалар, айниқса, қизлар спортини ривожлантириш йўлида яратиб берилган шарт-шароитлар бунда асосий омилдир. Шундай ғамхўрлик бўлмаса, бундай мукофотлар қаерда дейсиз?

Раъно 2009 йилда Японияда

сузиш бўйича бўлиб ўтган Осиё биринчилигида кумуш, 2012-2013 йилларда Беларусь, 2012 ва 2014 йилларда Қозоғистон очиқ чемпионатларида олтин медалларни қўлга киритди.

Айниқса, 2016 йил унинг учун омадли бошланди. Гап шундаки, Бельгиянинг Антверпен шаҳри мезбонлик қилган халқаро турнирда комплекс усулда сузиш мусобақасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олиши баробарида, Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида ўтказилган XXII ёзи Олимпия ўйинлари йўлланмасига ҳам сазовор бўлди.

— Мақсадим Олимпия мусобақаларида муваффақият қозонишдир, — дейди у. — Бинобарин, айни кунларда сузиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Сергей Заболотов бошчилигида қизгин тайёргарлик машғулотларини олиб бораёламиз. Алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳар доим беллашуларга шарт берилишидан олдин Президентимизнинг мен каби ёшларга қарата айтган гапларини эслаيمان: “Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники!”. Бу менга қўшимча куч, ишонч ва рағбат беради.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.



Ракетка, коптокча ва корт. Ушбу тушунчалар «Туманли Альбион»да асос солинган, бугунги кунга келиб энг амалбап ва нафосатли спорт турига айланган теннисни англатади.

Хўш, унинг руҳиятга таъсири қандай?

«Олтин қоида»лар

Аваламбор, теннисда ҳис-туйғуларни назорат қила олиш муваффақият омилларидан биридир. Бундай барқарорликка эришишда эса ҳаётда кўп бор самара берган ушбу спортнинг “олтин қоида”ларига риоя этиш мақсадга мувофиқдир.

— Теннисчи ўйин давомида атрофидаги жараёнларни иккинчи даражага ўтказиб, танафус пайтида нишонини ракетканинг игиқа ёки пастга қаратиши керак. Бу диққатнинг чалғиб кетмаслигини таъминлайди. Қатъий тартиб-қоида асосида иш юритиш, хусусан, тўпни узатишни ҳам, қабул қилишни ҳам бир хил, белгиланган ҳатти-ҳаракатлар асосида баҳарши беллашув

пайтида руҳий барқарорликни сақлайди. Айни чоғда очко бой берилганда ҳам, дадил-дадил қадам ташлаш салбий ҳис-туйғу-



ларни ҳаёлдан чиқариб юборишга кўмаклашади. Бир маромда нафас олиш эса кишини тинчлантиради. Зарба йўллаш пайтида бирдан, кескин нафас чиқариш ҳаракатларга шижоат бахш этади.

Мақсад сари интилиш (мотивация)да доим қатъий бўлмоғи зарур. Ҳаётини тизгини қўлдан чиқиб кетган тақдирда ҳам нигоҳлариди ўзига бўлган ишонч яққол сезилиб туриши жоиз.

Ғеймлардаги вазиятлар кескинлашиб, кўп куч талаб этса ҳам, қисқа тўхталишларда хотиржамлик, беҳавотирлик яхши самара беради. Ўз навбатида, теннисчи хатога йўл қўйиши мумкинлигини умуман ҳаёлга келтирмаслиги, ҳаммаси яхши

ТЕННИС

бўлишига ҳатти-ҳаракатлари ва қарашлари орқали ўзини ишонтириши керак.

Қанчалик қийин бўлмасин, баҳса рақибига охиригача курашишга тайёрлигини кўрсатиши шарт. Ўз имкониятларини паст баҳоламаслиги, бу ҳақда ўйла-маслиги даркор. Акс ҳолда, ушбу жиҳат спортчини заиф қилиб қўяди. Ҳар қандай

ҳолатда ҳам яхши нарсалар ҳақида фикрлаш, “Кескин курашни ёқтираман”, деган сўзни ичиди онда-сонда такрорлаб туриши ғалабага яқинлаштиради. Асосийси, сэт тугагач, ракеткани ўйналмайди кўлга олиб юқорига кўтариш, бир неча та шахдам қадам ташлаб: “Ракеткам бошим узра баланд, демек, мен ҳам ғолиб бўламан” қабилидаги гаплар билан кайфиятни кўтариш тавсия этилади.

Булар қай даражада тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида иқтидорли теннисчиси Оқул Омонмуродовага мурожаат қилдик.

- Ҳақиқатан ҳам, теннисда шу каби тамойиллар бор, — дейди у. — Улар ушбу спорт турининг 12 та “олтин қоида”си дейилади. Мазкур мезонларга қатъий амал қилиш нафақат моҳир ракетка устаси сифатида ўзини кўрсатиш, балки ҳаётда ҳам босиқлик, вазминлик фазилатларини намоён эта олишида асқатади.

М. ҚОСИМОВ тайёрлади.


Кейинги йилларда кенг қўламдаги иқтисодий, ижтимоий, маиший, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни изчил жорий этиш, болалар спортини тизимли асосда ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда спорт билан шуғулланган болаларнинг сони 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоизга, пневмония 55,6, бронхит 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР



2015 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағмараси маблағлари ҳисобидан болалар спортини иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида умумий қиймати 225 миллиард сўмдан ортиқ 35 та намунавий спорт обекти, 12 та спорт хавзаси, 174 та мактаб турист заллари фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон ёшлари биз учун мутлақо янги бўлган бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, каратэ, ватерполо, эшак эшиш каби спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланиб, китъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда юқори шоҳсупаларга кўтарилаётгани ҳар қандай одамни хайратда қолдиради.



Қиз болаларни оммавий спортга жалб этиш кўрсаткичлари 2005 йилда 24, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этганда. Айни пайтда бу кўрсаткичлар 47 ва 44,7 фоизга етгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

С. МАХСУМОВ суҳбатлашди.

2005 йили юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, ўтган йили бу рақамлар 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этди.



Бир дақиқада 118 бор



“Гиннеснинг рекордлар китоби”га кирган ҳамюртимиз борми? Албатта, бор! У тош қўтариш бўйича дунё рекордчиси Мухтарама Алиевадир. Тўмарис ва Барчинойлар давомчиси билан суҳбатлашганимизда камтарлиги, мақсади йўлида собитқадамлиги яққол сезилди.

БИЛАСИЗМИ?

— Инсоннинг имкониятлари жуда чексиз, — дейди у. — Астойдил киришсангиз, албатта, қўзлаган мақсадга етасиз. Бунга спортчи сифатида кўп бор гувоҳман.

— Тош қўтариш билан шуғулланишингизга қим ёки нима сабаб бўлган? Айниқса, қиз боланинг бундай спорт турини танлаши кам қўзатилади. Балки сиз полвонлар сулоласидандирсиз?

— Тўғриси, полвонлар сулоласидан эмасман. Болагимда жуда нозик, касалманд эдим. Шифокорлар ҳатто яшаб кетишимга ҳам гумон қилишган. Лекин спорт мени ҳаётга қайтарди, уни севишга ўргатди. Отамнинг қўллаб-қувватлаши, тинимсиз меҳнат орқасидан соғлом бўлдим. Тош қўтаришга эса Наврўз сайилларига борганимда, дорбозлар ва полвонлар маҳоратларини кўрганда ҳавас уйғонган. Халқимизга хос ушбу миллий спорт турини танлаб асло кам бўлма-

ди. Бир қатор муваффақиятларни қўлга киритдим. Қизиги, арқонда “Нексия” автомобиллини бир неча метрга тортиб бордим.

— Қандай қилиб рекордлар китобига кирдингиз?

— Бунинг учун суперспринт дастурини 12 кг. тошни бир дақиқа ичида 118 бор қўтаришим киёфоз қилди. Ҳозирда бу борадаги натижаларимни янада яхшиладим. Насиб қилса, рекордимни янгилайман.

— Айни пайтда нималар билан машғулсиз?

— Пойтахтимиздаги Тош қўтариш ва баҳодирлар ўйини федерацияси залида спорт билан шуғулланаман. Опа-сингилларимиз билан тажрибаларимни ўртоқлашаман. Нафақат соғлом, балки биров саломатлигини йўқотган дўгоналаримга баҳоли қудрат ёрдам

бериб, соғлигини тиклашга сабаби бўлаётганимдан жуда хурсандман. Алоҳида таъкидлашни истардимки, Юртбошимиз тақдирини билан жорий йилга мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб ном берилиб, Давлат дастури қабул қилинган барчамизни жуда қувонтирди. Сабаби шу асосда хотин-қизлар спортини янада кенг қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади, бу борадаги сазй-ҳаракатлар сифат жиҳатдан янги босқичга чиқади.

— Рўзғор ташвишлари спорт формангизга салбий таъсир кўрсатмайдими? Ёки турли қувват берувчи воситалардан фойдаланасизми?

— Узимизнинг серкўёш ўлка-мизда етиштирилган ноз-неъматларга ҳеч нарса тенг кела олмай-

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-қўрам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 103 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан сақланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусаҳҳах — Ш. Машраббеов. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6